

Хазрат Навоийнинг "Садди Искандарий" достони прототипи аслида бизнинг аждодларимиздан бири эмасмикан, деган фикр кўпчиликни кизиктирса керак. Негаки, хар бир асарида миллийлик уфуриб турган, туркийлар шаънини юксалтиришдек олийжаноб максад йўлида бутун умрини сарфлаган буюк шоир "Хамса"дек йирик асарида ўз маслагини янада кенгрок амалга оширишга интилган бўлиши табиий. Асар бош кахрамони кимлигини аниклаш учун, бизнингча, асарга оддий китобхон, бадиий адабиёт шайдоси сифатида ёндашишнинг ўзи камлик килади. Достонни уйгок калбли инсон нигохи билан Навоий яшаган давр тарихини теран тахлил килган холда мутолаа килмок керак. Маълумки, Алишер Навоий яшаган даврда илмий адабиётлар асосан араб тилида, бадиий адабиёт эса форс тилида битилар эди. Бу бир неча йилдан бери давом этиб келаётган анъаналиги боис, мазкур тилларнинг нуфузи баланд эди. Боз устига форсийлар "Шохномахонлик", "Хамсахонлик" килишар ва форсийда шундай мумтоз асарлар битилгани билан фахрланишар эди. Айрим сарой шоирлари эса очикдан-очик туркий тилни камситарди хам. Шундай вақтда Навоийдек шоир жим туриши мумкинми эди?

Хазрат Навоий миллат шаъни учун маърифат билан курашди. Тўрт девондан иборат газалларини ёзиб турк тилининг ниҳоятда бой ва жозибадор тил эканини исботлагач, бу ишига хам каноатланмай, "Мухокамат-ул лугатайн" асарида турк ва форс тилларини ўзаро киёслаб, туркийдаги хар бир сўзнинг ўнлаб синонимлари борлиги, форс тилида эса бу имконият чекланганини исботлади. Ўзи айтганидек, бу мамлакатни "яккалам" айлаган шоир ёши улгайиб, етарлича билим ва тажриба тўплагач, энг йирик асари - "Хамса"ни ёзишга киришди.

Биз шу ўринда "Хамса"нинг бошка достонларига тўхталиб ўтирмаймиз-да, "Садди Искандарий" ва унинг бош кахрамони кимлиги хакидаги мулохазаларимизни давом эттирамиз.

Хуллас, таассуротларнинг дастлабкиси шу бўлдики, асар бош кахрамони Искандар бизга тарихдан маълум Александр Македонскийга асло ўхшамайди. Мутахассисларнинг айтишича, Куръони каримда зикр этилган Зулкарнайн Акбар билан Александр Македонский бошка-бошка одамлар. Македониялик Искандар Оллохнинг ягоналигига имон келтирган мўмин эмас. Яъжуж ва Маъжуждан химоя деворини курган Зулкарнайн эса мўмин одамдир. "Химоя девори"ни македониялик Александр курган бўлганида уни кадимшунос олимлар аллакачон топган бўлар эди.

Аммо, олимларни кийнаб келаётган муаммо шундаки, Александр Македонский билан Куръони каримда зикр этилган Зулкарнайн образи кайси даврда бирлашиб кетган? Аникроги, Зулкарнайнга Искандар ёки Искандарга Зулкарнайн оти качон, кайси халкка мансуб олим ёки шоир томондан кўшиб юборилган?..

Баъзи олимларнинг фикрича, достондаги образлар хакикий тарихий шахслардир. Жумладан, Арасту - Аристотел, Искандар - Александр. Шоир асарида уларни улугламаган, ўзидан олдинги хамсанавислар каби улар воситасида идеал шох образини яратган.

Бизнинг фикримизча, Навоий ўз салафларидан фаркли ўларок, достондаги идеал шох образини орзу-умидлари, самовий хаёлларидан яратмаган. Уни хакикий хаётдан топган. Бу эса ўз навбатида достон вокзаларини реаллаштиришга хизмат килган.

Келинг, яхшиси бундай фикр уйғонишига туртки бўлган мисолларга мурожаат килайлик,

асарнинг XIX боби куйидаги сўзлар билан бошланади "Искандарнинг салтанат тожидин саркашлик килиб, хилофат тахтидин аёк торткони ва Рум ахли бошларин оёгига кўюб, анинг мақдамидин тахт поясин баланд килиб, тож кадрин аржуманд килгонлари ва анинг адли айнининг куёши била зулм шомининг хуффошин кўр этиб жахонни ёруткони ва зулм ахлининг зулматдек олам юзидин кирок туткони".

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Филипп Иккинчи (Файлакус) дostonда тасвирланганидек, Эрон шохига бож тўлаб турувчи вассал давлат рахбари эмас, аксинча, буюк империячилик васвасасига учраган тажовузкор хукмдор бўлган. У милoddан олдинги 359 йилдан 338 йилгача Болкон ярим ороли атрофидаги Фокида, Фессалия, Халкидика, Фракия ва бошка давлатларни боскинчилик йўли билан Македонияга кўшиб олган. 338 йили Херония якинида юнон полисларининг бирлашган кўшинларини тор-мор келтириб, бутун Юнонистонни Македонияга бўйсундирган. У Эронга хужум бошлаш арафасида турганда кизининг тўйи куни ўлдирилган. Шу биргина мисолдан аён бўладики, "Садди Искандарий"даги Файлакус билан тарихий шахс Филипп Иккинчи ўртасида мутлако ўхшашлик йўк. Аксинча, бу иккиси тамоман бошка тоифа одамлар. Шунингдек, айна масалага тарихийлик юзасидан бахо берилса, отаси душманлари томонидан ўлдирилиб, вазият тожу тахтни куч билан ўз кўлида ушлаб туришни такозо килиб колган тигиз бир пайтда Александрнинг тахтга чикишдан бош тортиб таманно килиши мантикка тўғри келмайди. Зеро, бир лахзалик хотиржамлик унинг хам бошини олиб кетиши хеч гап эмаслигига хар кандай сиёсатдан йирок одамнинг хам акли етади. Демак, камтарлик, хокисорлик, адолатпарварлик хусусидаги бу боб Александр Македонский хакида эмас.

У холда музкур бобда кимнинг тахтни кабул килишдан воз кечмокчи бўлгани хакида хикоя килинган? Асарда тасвирланган вокэа Навоийдан у кадар узок бўлмаган даврда юз берган. Кайногаси Амир Хусайннинг макру хийлаларидан тўйган Сохибкирон 1370 йили андиша юзасидан ўзини эмас, Суюргатмиш Ўғлонни хон кўтариб, лашкарига тартиб бериб, Хусайнга карши юриш килади. Бундай йўл тутишининг сабаби, Амир Темурнинг улуг (катта) бобоси Кочувли баходир ва Суюргатмишхоннинг улуг (катта) бобоси Кобулхонлар ўзаро ахднома тузган эди. Ахдномага кўра хонлик Кобулхон авлодига, сипохсолорлик Кочувли баходир авлодига тайин этилади. Сохибкирон салтанат ишига ўзини тўлик муносиб сезса-да, аждолари рухига хурмат юзасидан Суюргатмишхонни хон кўтаради. Аммо Хусайн устидан зафар козонганларидан сўнг барча беклар иттифок килиб, Амир Темурни шохликка муносиб кўради ва унга байъат килишади. Йигинда Сохибкироннинг пири Саййид Барака хам катнашади. Амир Темур пири муршиди ва ўзига ишонган бекларнинг илтимосига кўра салтанат юмушини зиммасига олади.

Кўриняптики, Амир Темур давлат бошкарувини ўзининг тахтпарастлигидан эмас, дostonда тасвирланганидек, раиятнинг илтимоси билан кабул килган.

Дostonнинг XXVII бобида ёш, тажрибасиз, аммо жасоратли хукмдор Искандар ва хисобсиз кўшин, чексиз мамолик сохиби, шавкатли Доронинг кўшини тўкнашгани тасвирланади. Урушда Эрон шохининг икки нафар саркардаси хиёнатга юз тутуди. Улар жангнинг боришини кузатаётган Доронинг икки ёнидан келиб унга тиг санчишади. Шу билан жанг нихоясига етади. Доронинг васиятларини тинглаган Искандар вафотидан сўнг уни иззат-икром билан дафн этиб, ўз хукмдорини сотган хоинларни куйидагича жазолайди:

Тошиб чунки Доро ишидан фарог,  
Тутуб ики котилни айлаб сўрог.

Кўмуб дор учун ики сутун,  
Ул иккини остурди андин нигун.

Ўтмишда эса вокэа бошқача бўлгани кўпчиликка аён. Яъни олдинроқ айтиб ўтилганидек, Юнон хукмдори Филипп Иккинчи Эронга юриш қилишга хозирлик кўраётганда ўз салтанатидаги душманлари тарафидан ўлдирилган. Отасининг бу ишини тажовузкор ўгли давом эттирган. Натижада Эрон ва Македон кўшинлари милоддан аввалги 333 ва 331 йилларда икки марта тўқнашган. Олдинги жангда кўшинлари парокандаликка юз тутиб, мамлакат ичкарасига чекинган Доро иккинчи тўқнашувда ростакамига енгилган ва қолган-қутган бир неча навқари билан Бактрияга қараб қочган, йўлда у Бактрия ноиб Бесс томонидан ўлдирилган.

Мазкур бобда фикримизни тасдиқлайдиган иккита детал бор. Биринчиси, Доронинг кўшини Искандарниқидан бир неча баробар кўплиги. Тарихий асарлардан аёнки, Амир Хусайн Қарши қалъасини кўриқлаш учун кўргонбеги амир Мусога ўн икки минг отлик аскар тайинлайди. Амир Темур икки юз қирк уч нафар навқари билан ана шу ўн икки минг аскардан қалъани тортиб олади ва уларни олти-етти қақирим масофага қувиб боради. Иккинчиси, яқин қишиларнинг ўз хукмдорига хиёрати масаласи. Сохибқирон хиёнатқор қишиларни ўзига энг ёмон душман билган. Чунонқи, Тўхтамишқон билан бўлган урушда Тўхтамишқоннинг айрим амирлари ўз хукмдорига хоинлик қилиб, унинг ҳузурига паноҳ истаб қелганлари учун улардан юз ўғирган. "Булар ўз сохибига вафодорлик қилмағач, менга вафо қилармиди?" деб ёзади ўз "Тузуқ"ларида.

Яна бир воқеа. Достоннинг XXXV бобида жақондорлик иддаоси билан қикқан Искандар қишни Қорабогда ўтқазади. Бу ерда у илму хикмат ақллари, харбий сарқардалар билан мажлислар тузади, яқинларига меқрибонликлар кўрсатиб, уларга Танқридан мадад сўрайди. Бу ишлардан фориғ бўлган чоғларда от миниб, Арас дарёси бўйига шикорга қикиб, дарё бўйидаги ўрмонларни сайр қилиб хордик қикаради.

Қи чун қилди қишлоқ азмига шох,  
Қаробоги Арронни оромқох...

Фароғат чоғи сайр ўлуб пешаси,  
Матофи Арас рўдининг бешаси.

Аррон - Озарбойқоннинг қадимий номи

Тарихий манбаларга кўра, бақорда Дашти Қипчокка юришни режалаштириб Қорабогда қишлаётган Сохибқиронга Самарқанддан йўлга қикқан амирзода Муқаммад Султон лашқари билан қелаётгани хақари етади. Барча шақзода, амирзода ва беклар Арас

кўпригидан ўтиб, меҳмонни кутиб олади, сўнг барчаси Соҳибкирон хузурига келади. Соҳибкирон унга ва бошка шахзодаларга кўп меҳрибончиликлар кўрсатади. Киш фасли сухбат ва айшу фарогат билан ўтади.

Шарафуддин Али Яздий ва Низомуддин Шомий асарларида ёзилишича, бир замонлар Арас дарёсидан экинзорларга сув олиш мақсадида катта арик казилган. Вакт ўтиши билан бу арикда сув юрмайдиган бўлиб тўлиб қолган. Достонда тасвирланганидек, дарё бўйида ов қилиб юрган Соҳибкирон шу арикни кўриб қолади ва уни қайик юрса бўладиган даражада кенгайтириб тозалаттиради. У сувдан кўп боғлар, кентлар ва зироатлар маъмур бўлади.

"Садди Искандарий"да достоннинг бош кахрамони Кўҳак (Зарафшон) дарёси бўйида бир гўзал шаҳар бино эттиргани ва уни Самарканд атагани хақида гап боради.

Скандар отоди Самарканд ани,  
Самарканди фирдавсмонанд ани.

Бобур Мирзо ҳам шу фикрни айтган: "Самаркандни Искандар бино қилгондур. Мугул ва турк улуси Семирканд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эди" (Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Т., "Шарк", 2002, 59-бет).

Тарихда Самарканд достонда битилгани каби Искандар томонидан бино этилмаган, аксинча, милoddан олдинги 329 йил Александр Македонский кўшинлар томонидан вайронага айлантирилган.

Бобур Мирзо ёзганидек, Амир Темур уни ўз салтанати пойтахти қилиб, жаҳоннинг энг зўр меъморларини олиб қелиб бу ерда улкан бинолар барпо этган, шаҳарнинг қиёфаси унинг даврида бутунлай ўзгариб кетган. Академик В.Бартолд таъкидлаганидек, Амир Темур Самарканд жаҳоннинг энг гўзал шаҳри бўлишини орзу қилган. Асарда Самарканддан ташқари Сипохон, Рай, Хирот шаҳарларини ҳам Искандар бино қилди деб ёзилган. Демак, бу шаҳарларни Искандар ёки Амир Темур бино қилмаган, Соҳибкирон уларни обод шаҳарларга айлантиришга ҳисса қўшган.

Асарда битилишича, Искандар Кашмир ва Хинд вилоятларига юриш қилганда Кашмир султони Маллу ибн Мабок унга қарши уруш олиб боради. Искандар уни мағлуб этади ва унинг васиятига кўра қизи - Меҳрносни хотинликка олади, ўгли - Ферузшоҳга отасининг тахтини топширади.

Жанг майдонидан шаҳар ичкарасига чекинган Маллухон ярим тунда шаҳардан ҳам қочиб чиқиб тоғдаги қалъага бекинади. Шунда унинг аъёнлари Искандарга қуйидаги мазмунда хат юборади:

Қи: "Маллуда бўлгон замон бу диёр,  
Йўқ эрди бу қулларга ҳеч ихтиёр,

Қи қилгай эдук хизмат изхорини,

Аён айлабон куллуқ асорини.

Бу дамким ани шавкатинг килди паст,  
Фирор ихтиёр этти, топиб шикаст.

Неча бандалиг ичра шармандабиз,  
Неким бизга ҳукм айласанг бандабиз.

Ёруг айласанг мулки вайронимиз,  
Фидодур санга мол ила жонимиз.

Ваг ар бизни истарга фармон эрур,  
Бориға юзинг кўрмак армон эрур.

Эрурбиз не-ҳукм айласанг муфтахир,  
Бу нома жавобига биз мунтазир".

Аслида милоддан аввалги 327 йилда Македон кўшинлари Хиндистон тоғларидан ошиб Панжоб-Хинд воҳасига кириб боради. Бу воҳа подшоҳларидан бири Пор боскинчиларга жуда каттик қаршилик кўрсатади. Панжобни катта қийинчилик билан қўлга киритган Македонский Ганг воҳаси ва бутун Хиндистонни босиб олмокчи эди. Аммо Ганг воҳасида қучли Нанд салтанати кўшинлари турарди. Боз устига, шу вақтларда аскарлар ичида безгақ касаллиги таркайди. Александр ўз кўшинининг қаршилигига учраб, ортга қайтишга мажбур бўлади. У Бобилда навбатдаги юришга тайёргарлик кўраётганда безгақ касаллигидан вафот этади. Александрнинг ўлимидан сўнг салтанат парчаланиб кетади.

Салоҳиддин Тошкандийнинг "Темурнома"сида эса Маллуҳон билан жанг қилаётган Соҳибқироннинг олдиға келган Ферузшоҳ ўзини Султон Маҳмуднинг ўғли деб таништириб, ундан отасининг тахтини Маллуҳондан олиб беришни сўрайди. Аслида Дехлида 1351-1388 йилларда ҳукмронлик қилган Туглуқлар сулоласи вақили Ферузшоҳ қазо қилганидан сўнг Мултон вилоятининг ҳокими Соранг ва унинг укаси Маллу Ферузшоҳнинг набираси Султон Маҳмудни подшоҳ кўтариб, Хиндистон ҳукуматини ўзлари бошқарар эди. Соҳибқирон билан юзлашганда, худди достонда баён этилганидек, Султон Маҳмудхон ва Маллуҳон аввал шаҳар ичига қочиб қиради, сўнгра ярим тунда иккаласи шаҳарнинг икки дарвозасидан: Султон Маҳмудхон - Хавдорон, Маллуҳон - Барақа дарвозасидан чиқиб қочади. Тонгда эса Маллуҳоннинг ноиби Фазлуллоҳ Балхий бошчилигидаги девонбеғилар ва шаҳар улуглари чиқиб Соҳибқиронга Маллуҳоннинг зулмидан тўйганини изҳор қилади.

"Садди Искандарий" бош қахрамонининг зафарли юришларида унга дунё сирларидан боҳабар донишмандлар ҳамроҳ бўлган. Турли жойларда учраган қутилмаган тўсиқлар олимлар илми билан батараф этилган.

Достонинг LXXXI бобида Искандарнинг вафотидан сўнг дилбандининг қабрини макон этиб туну қун фарзанд доғида ўртанаётган онаға тасалли бериш мақсадида етти донишманд ташриф буюради. Улар - Филотун, Сукрот, Балинос, Букрот, Хурмус,

Фарфинюс, Арастулардир. Аслида бу донишмандлар бир-биридан жуда узок даврлардан яшамаган бўлса-да, улардан факат Арасту Македонскийга замондош ва факат у Александрга доимий хамрохлик килган. Шу жихатдан, бу олимларнинг биргаликда таъзия изхор этгани келиши тарихий хакикатдан йирок. Бу ўринда шоир акл-идрок, илму махрифат билан бошкарилган салтанат кудратли бўлиши, Искандарнинг куч-кудрати манбаи ана шу донишмандлар эканига ишора килмокда. Шунинг билан бирга бу ерда пир-муридлик муносабатлари хам кўзда тутилган. Достонда Арасту - пири комил, Искандар эса комилликка интилган мурид тимсолидир. Искандар асар ривожида бот-бот Арастуга ўзи ечимини тополмаётган масалалар юзасидан саволлар билан мурожаат этади ва устозидан олган жавоблари билан билимини бойитиб боради. Мозийда Сохибкирон атрофида доим Оллох таолонинг дўстлари хисобланган кароматгуй авлиёлар бўлган. Боиси, Амир Темур хар доим пири муршидларга ихлос билан хизмат килган ва уларнинг дуоши шарофати ила улуг мартабага эришган. Унинг пирлари - Хожа Шамсуддин Кулол, Саййид Амир Кулол, Мавлоно Зайнуддин, Абубакр Тайёбодий, Мир Саййид Барака, Хожа Баховуддин Накшбанд, хазратлари эди. Булардан ташкари хам Сохибкиронга кўплаб етишган зотлар хамрохлик килган. Жумладан, Сохибкирон Дехли волийси Султон Махмуд билан жанг килганда хиндистонликлар яхши куролланган хисобсиз аскарлари билан бирга юз йигирмата филни жангга олиб киради. Филларнинг хайбатини кўрган лашкарнинг кўнглига вахима тушади, отлар хуркиб кочиб, филларга якинлаша олмайди.

Душман билан юзма-юз турганда кўшиннинг саросимага тушиши маглубиятдан ўзга нарса эмас. Бундай пайтда гойибдан бир куч келиб кишини кувватлантирмаса, бошка хеч кандай чора йўк. Хар доим Оллохга таваккал килган Сохибкирон "Шу соатда олий даргох бандаларидан (пайгамбар авлодлари назарда тутилмокда - Д.Ж.) мавлоно Носириддин Умарга ишорат килди, у дархол жойнамозни туфрок устига солди. Жаноб хазрат отдан тушиб, икки ракаат намозни минг тазарру ва ниёзмандлик билан адо этди, олий ва улуг бахшоянда (Оллох) даргохидан фатху зафар атосини сўради. Шу холатда манглойда (кисм) турган амир Шайх Нуриддин, амир Шох Малик, амир Аллохдод каби амирлар: "Хазрат Амир Сохибкирон давлат эгасидирлар, Худо хохласа, Хак таоло у зотнинг муборак хотирига солиб, кул (лашкарнинг марказий кисми) кисмдаги аскарлардан бир тўдасини биз бандаларининг ёрдамига юборсалар (ажаб эмас)", деб кўнгилларидан ўтказган эдилар, аълохазрат намоз ўкиб, салом бериб, даргохи илохийга хожатларини арз этгач, "Давлат эгалари илхомли бўладилар" деган мазмун ижобича (биноан) кўшинлардан ўнг кўл томонга, манглойга ёрдам берсинлар, деб хукм килди. Шунга биноан у (амир)ларнинг дилларию билаклари кувватланиб, тўла умид билан жангга юз тутдилар..." (Низомуддин Шомий. Зафарнома. Т., "Ўзбекистон", 1996, 249-250 бетлар). Сохибкирон хар бир ишга кўл уришдан олдин пиру муршидларидан маслахат сўрагани, хеч қачон уларнинг раъйига карши бормагани учун хам шундай катта салтанат хукмдори бўлиш насиб этганини ўз "Тузуқлар"ида бир неча бор кайд этган.

Миллатимиз куёши - хазрат Навоийнинг "Садди Искандарий" достонидан олган хулосамиз шу. Эхтимол, битганларимиз кимларгадир маъкул бўлар, баъзилар ўтганларни замонавий мафкурага мослаштиришдан халос бўлган Эдик-ку, бу нимаси яна, дя киноя килар. Аммо биз фикримизни хаводан олмаганимизни исботлаш учун бир неча илмий манбалардан мисол келтирдик. Ечимини топа олмаган масалаларга хам холис ёндашган холда тахминлардан ўзимизга ёкканини зўракилик билан тикиштириб, ўшанинг хақлигига сиз хам ишоннинг, деб ўқувчи онгига тазйик ўтказишга уринмадик.

"Садди Искандарий" достонининг бош кахрамони прототипи Амир Темур эмасмикин, деган фикр уйғонишига тарихий фактлар ва Навоий яшаган мухит ҳамда унинг туркий миллатга мансублиги сабаб бўлди. Мантикан олиб караганда, Навоийга бир замонлар юртини горат қилиб, аждодларининг конини тўккан македониялик босқинчининг вахшати илхом бағишлайдимиз ёки юртини озодликка олиб чиқиш баробарида туркийларнинг ҳукми остига ярим дунёни бирлаштирган Соҳибқирон шавкатими?

Албатта, Искандар рамзий образ, холос. Шоир асарда тарихийлик эмас, бадиийлик асосий ўрин тутди. Шу жihatдан Искандар тимсолида адолатли шох хақидаги фикрлар илгари сурилган. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, асардаги ижобий образ прототипини топиш ижодкорнинг ихлосига боғлиқ ҳодиса. Навоий даҳоси ана шу ҳодисага катта мафкуравий вазифа юқлаб юборган. Бундан ташқари, шоир асарни ёзишда жуда кўплаб тарихий адабиётлардан фойдаланганини ҳам таъкидлаб ўтган. "Садди Искандарий"нинг бош кахрамони дин ҳимоячиси. У турли юртларга Тангрига таолонинг дини олиб боради, хурофотчилик, бидъат қучайган жойларда тартиб ўрнатади.

Аёнки, ўттиз уч йиллик қиска умрини жанги жадаллар ичида ўтказиб юборган Александр Македонский на дин ҳимоячиси бўлган ва на шахарсозлик, яратувчилик ишларига вақт ажрата билган.

Мўғуллар истилосидан сўнг ўлкада иктисодий ва маънавий инкироз ҳукм сура бошлаган эди. Шу даврда халқнинг руҳини кўтарадиган, муқаддас динимизни янада кенгрок ёйишга хизмат қиладиган, оммани ягона мафкура атрофига бирлаштира оладиган Амир Темурдай жасоратли ва ташкилотчи инсон жамиятга зарур эди. Оллоҳ таоло ана шундай зотни яратиб қўлига қуч, юрагига қувват, қалбига илхом бахш этди. "Исломи динини ёйиб, унга раванқ берганим хақидаги овоза каттаю қичик аҳли мўминнинг қулогига етгандан кейин, ислом олимлари: "Тангри таоло ҳар юз йилда Муҳаммад унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин динига ривож бериш учун бир кишини Ислом динининг ёвуғчиси ва ривож бергувчиси сифатида ихтиёр этади. Бу саккизинчи юз йилликда Амир Соҳибқирон Ислом динини жаҳон аҳлига тарқатди. Шунинг учун бу юз йилликда Муҳаммад динига ривож бергувчи зот шу киши бўлмай", деб фатво бердилар" (Темур тузуклари. Т., "Шарқ", 2005, 68-бет), дея қўкси гурурга тўлган Соҳибқирон бу гапдан сўнг ўзидан олдин Исломни қувватлантирган етти зот хақида аниқ ҳужжатлар асосида ҳикоя қилади. Улар Умар ибн Абдулазиз (712-720), Маъмун ибн Хорун ар-Рашид (813-883), Муқтадир биллоҳ Аббосий (908-932), Иззуддавла Дайламий (967-978), Султон Санжар ибн султон Малиқшоҳ (1118-1157), Гозонхон ибн Аргунхон ибн Халокухон (1295-1304), Улжойту Султон ибн Аргунон - Султон Муҳаммад Худобандалардир (1304-1317).

Достондаги вокзаларни Соҳибқирон бобомиз тарихи билан бирма-бир қиёсласангиз, факат ҳамсачилик анъанасига риоя этилган ҳолда сакланиб қолган исмларда фарқ кўринади, холос. Қолган ҳар бир боб, ҳар бир саҳифа, ҳар бир байт Соҳибқирон шавқатидан сўзлайди. Навоий "Ҳамса"ни тугатиб Хусайн Бойқарога тақдим этган дамдаги вокзани эсланг, нега ҳукмдор ўз вазири ёки ижодкор шоирга жиловдорлик қилиб юрибди?

Бизнинг англашимизча, бу жиловдорлик ярим дунёни туркийлар байроғи остига бирлаштирган Соҳибқирон руҳи покига ҳамда миллатимиз фаҳри, улкан сўз устаси - улуг Навоий ижодига ҳурмат-эҳтиром рамзидир. Эҳтимол, Хусайн Бойқаро Навоийдан туркийларнинг улуг аждодларидан бири, хусусан, ўз бобосининг зафарли юришларини

инсоният тарихига киритгани ва бу асар асрлар давомида севиб ўқилишини билгани учун хам миннатдор бўлгандир...

Дамин Жумакул